

ЖАЛД СУЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 25 октябрь
Сотувда эркин нархда
№ 218 (2780)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига қўра Бухоро вилояти машина-трактор парклари ва хўжаликлари МТЗ ва ТТЗ русумли тракторлар учун 500 та янги двигателлар оладиган бўлди.

Бухорога беш юзта двигател

Бу двигателлар учун тулов «Ўзметсавобавотузмасанот» ҳолдинг компаниясига қарашли «Шохруҳ» агрофирмаси томонидан беш минг тонна вино маҳсулотини четга экспорт қилиш ҳисобидан қопланди. Ушбу лойиҳа ҳолдинг компаниясининг экспорт режасидан ташқаридир.

— Бу ймқоният муҳандисларимизни жуда қувонтирди, — деди «ТТЗ Бухоро техник маркази» корхонасининг раҳбари Истам Хайдаров «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Чунки вилоятдаги тракторларнинг бир қисми двигател етишмаслигиндан маҳсулотнинг хорижага экспорт қилиниши ва шу орқали янги техника олиш жуда катта ютуқ. Бу деҳқонга ҳам, муҳандисга ҳам катта қулайлик яратди.

Долзарб мавзуда гурунг

ҚИШЛОҚИМНИНГ ЖАЙДАРИ ФАЛСАФАСИ

Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган гурунг қилни қирқ ёрувчи сиеьатдонлар ёки халққаро шарҳловчилар даврасида бўлгани йўқ. Сўхбатимиз оддий бир қишлоқнинг одим одамлари, соддагина, расмийликдан холи кишилари иштирокида кечди.

Мустафоқул отанин «Дунёда нима гаплар бўляпти ўзи?» деган дўқмаси гурунг гулҳанига чўг ташлади. Илгари улар билан қўришганимда кўпинча нарх-наво, борди-келиди, турмуш иқир-чиқирлари хусусида фикр алмашардик. Буни қарантки, дунёдаги воқеалар сабаб ҳамқишлоқларим гапашадиغان мавзу кенроқ, «оламшумул» даражага кўтарилди. «Сени кўрганымда сўрайман деб асраб қўйган саволларим қизиктирган бошқа масалалар муҳокима қилинди.

«Сен гапашади гапларингни қўй, бизга ўзимизнинг тилимизда тушунтириб бер, дунё қаёққа қараб кетяпти, эртага нима бўлади?» Сўхбатдошларимдаги бундай фа-

оликлан мамнун бўлидим. Ахир шулар эмасмики, кечганина жажҳоний муаммолар ҳақида сўз очилса, «Эй, сиеьатингни қўй, бизга бозордан гапир, у нарсаларни ўйлаш учун катталар бор» дея дақиқа берган. Мен яна шунга ағлашдики, бу одамларга етказилиши керак бўлган маълумотларни оддий тилда халқона шаклда тушунтириш ҳақида ўйлашимиз лозим экан. Сиз ўқитган ушбу мақолани шу урнинилардан бири деб тушунгайсиз.

«Авалло Америка шаҳарларида 11 сентябрь кўни рўй берган фалокат ҳақида эшитганим одам борми, дея савол ташлаганимда ҳаммалари жўр овоз бўлиб: «Хабаримизнинг тилимизда «қўриқ» дейишди. Ана шу воқеа бутун дунёнинг кўзини очди. Тўғри, илгари ҳам айрим мамлакат раҳбарла-

(Давоми 2-бетда).

Жанубий сарҳадларда

СОҲИЛДА ЯШНАГАН ЧАМАН

Термиз туманидаги «Халқобод» ширкат дўжжалигини сурхондарёликлар чаманга қиеьлаб, шундай деб атайдилар. Хўжалик Амурлар буйида жойлашган. Бу ерда бир ярим минг тоннадан мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммасига табиий газ, ичимлик сув қувурлари тортилган, ҳатто чекка қучаларга ҳам асфальт етказилган.

Май ойининг бошларида «Халқобод»да зардли (ўрик) пишди. Анорнинг ҳар қайсиси бир килограмм тош босади. Иппак пахтадан эса 45 центнердан ҳосил олинади.

Айниқса, бу йил «Халқобод»да пахта яхши бўлиди. — Иппак пахта чигити биринчи марта еппасига пленка остига экилган эди. — Апрель ойининг охирига келиб тузгуллади. 25 июлда пахта очилди. Учинчи августда терим бошланди, 15 сентябрда 550 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил саранжомлики режа бақарилди. Бу муваффақият галлаликда эришилган ютуқларга уланиб кетди.

— Ишдан олдин биз одамларни ўйлаганимиз: улар не кўнгул, не оруз-истаклар билан яшаётганми? Маошлари рўзгор чўқимларига етаетилми? Томорқаларини ҳайдашга

трактор излаб, сарсон бўлмайтларми. Телевизорни ё дамозилини қайси устакхонага обориб созлатганими?, — дейди Чўки рўзгорини — хондониининг, қишлоқнинг шир, пешоналаридан ўтулқини шу юртимнинг тинчлигиндан қўнгул, қабим, бутун дунёга оеинишга. Билмайман, одамлар нимага ниюлашадилар? Нимага талашишадилар? Нима учун тариф-тариф бўлишадилар? Дарёнинг нариги соҳилларига назарим тушиб қолганда, шуларин ўйлашаман. Қўзмонқўдай шу қишлоқнинг, жонажон элига Тангри таоло ҳақиша оеиштиладики берсин, — деди.

— Еру қўннинг чегараси, боранд, — дейди кекса деҳқон, 40 йил мобайнида бир эзи ўн минг тонна пахта етиштирган пахтакор Алламурод Холмиев. — Лекин одамларнинг қишлоқнинг чегараси йўқ, Иншооллик дараёининг наригида ҳам одамнинг эсути келиб, тезроқ тинчлик, барқарорлик ўрнатилса. Қўнни соҳилда ҳам чаманлар унса.

Алламурод ака узок-узакларга қарайди. Бутун дунёни у тўғе ўзининг меҳрибон кўзлари қароғига жойлаштирмоқчидай бўлади.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 октябрь кўни Оқсаройда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибнинг ўринбосари Кензо Ошимани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмон билан Ўзбекистон заминидан учрашиб турганидан мамнуният билдириб, Афғонистон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишдек хайрли миссиясида унга муваффақият тилади.

— Биз террорга қарши бошланган халққаро кампанияни қўллаб-қувватлаган ҳолда, айни пайтда Афғонистонда гуманитар ҳалокат юзага келаетганини ҳам яхши англаймиз, — деди Ислам Каримов. — Шу ваҳдан БМТнинг оғир аҳволда қолган афғон халқига ёрдам кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатларини ҳам тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Президентимиз Ўзбекистон билан БМТ уруш

Кензо Ошима Афғонистонга энг кўп инсонпарварлик ёрдами кўрсатетган давлатлардан бири — Япония фуқаросидир. Учрашувда Президент Ислам Каримов бу ҳолга алоҳида эътибор қаратди.

— Сизни Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантираётган Япония вакили сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Меҳмон самимий қабул учун Ислам Каримовга миннатдорлик билдирди. Ўз миссиясининг муваффақиятли кечишида Ўзбекистон ҳукуматининг ҳамжиҳатлиги алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

Сўхбат чоғида Афғонистонда юзага келаетган гуманитар ҳалокатнинг таъсирини имкон қадар камайтириш, минтақада тинчлик-оёиштилик ва ижтимоий барқарорликни сақлаш ҳамда томонларни қизиктирган бошқа масалалар муҳокима қилинди.

СУРАТЛАРДА: қабул пайти. Абдувоҳид ТўРАЕВ олган суратлар.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов БМТ Бош қотибнинг ўринбосари Кензо Ошима раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

— Ўзбекистон ҳукумати Афғонистон муаммосининг ҳал этилишида ҳамда афғон қочқинларига ёрдам беришда БМТ томонидан амалга оширилаётган тадбирларни тўла қўллаб-қувватлайди, — деди вазир учрашувда. — Бундай хайрли ва муҳим ишларда Ўзбекистон БМТ билан бундан кейин ҳам кенг камровли ҳамкорлик қилади.

— Ўзбекистон ҳукуматининг Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами етказиб бериш борасидаги саъй-ҳаракатларини БМТ раҳбарияти юксак баҳолайди, — деди Кензо Ошима. — Ишончимиз қомилики, ўзаро ҳамкорлик келгусида ҳам фаол давом этади.

Сир эмаски, Афғонистонда ҳарбий ҳаракатлар туфайли сўнгги пайтда минтақада қочқинлар муаммоси кескинлашди. Уларга ёрдам кўрсатиш борасида БМТнинг саъй-ҳаракатлари алоҳида эътиборга молик. Ўзаро мулоқот чоғида афғон қочқинларига ёрдам кўрсатиш ва бунда Ўзбекистоннинг иштироки, шунингдек, халққаро майдонда юзага келган сиеьсий вазият, хусусан, Афғонистондаги беқарорликка оид масалалар юза-сидан фикр алмашилди.

Шу кўни меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиьлар вазирилгида ҳам музокара ўтказди.

(Ў.А.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг кеча бўлиб ўтган йиғилишида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни Самарқанд вилоятидаги ижроси муҳокима қилинди. Йиғилишида, асосан, муаммолар масалаларга эътибор қаратилди. Маълумотларга қараганда, Самарқанд вилоятида, айни пайтда, 41 номда газета, 8 номда журнал рўйхатдан ўтказилган. Вилоят аҳолисида 4 та телестудия хизмат кўрсатмоқда. Шундан биттаси давлатники, устаси хусусий телестудиядир. Газета ва журналларнинг эса 21 таси давлат тасарруфиди, 28 таси тармоқ на- шрларидир. Лекин уларнинг бугунги фаолиятида айрича ҳолатларни куза-

тиш мумкин. Энг қизиги, давлат тасарруфидидаги газеталарга нисбатан тармоқ ёки хусусий нашрларнинг нусхага ҳам, моддий аҳоли ҳам яхши. Масалан, «Даракчи» газетаси ўзбекча билан русчага қўшиб ҳисобланганда 270 минг нусхага етаяпти. «Эрудит» газетаси эса икки тилда 30 минг нусхага яқин чоп этилмоқда. Жомбой ва Пастларгом тумани ҳокимликларининг «Жомбой тонги» ҳамда «Пастларгом ҳақиқати» газеталари эса атиги 150-300 нусха, Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг «Самарқанд» газетаси нусха қамлиги туфайли чиқмай қолди. Тўйлоқ туман ҳокимлигининг 2000 нусхада чиқиб турган «Кўшчинор» газетаси қозғосиз

қолиб тўхтаган. Йиғилишда айтилганидек, газеталар чиқмай қолаетганининг асоий сабабларидан бири — муассисларнинг ўз наشرларига эътиборсизлиги бўлса, иккинчи яна бир сабаби — газеталар жамоаларининг газетхонлар қизиқшларини инобатга олмаётганидир.

Газеталарга хос бўлган аҳолини вилоятдаги телестудиянинг фаолияти ҳам қузатиш мумкин. Бунинг учун давлат тасарруфидида бўлган Самарқанд давлат телерадиокомпанияси (СТР) билан хусусий Самарқанд телерадиокомпанияси (СТВ)ни қиеьлаш қийин. Чунки хусусий СТВда ижодий фаолият олиб бориш учун шарт-шароит ва техника воситалари рижосадагидек бўлгани

ҳолда, СТРда бундай имқониятлар йўқ. Очирқоқ айтганда, СТР жамоеи телекўрсатувлар ва радиосинтизишлар тейёрлаш учун замонавий асбоб-ускуналарга эга эмас. Йиғилишда Самарқанд вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистон Телерадиокомпанияси СТРдаги бундай ноқор аҳволни тез орада ўнглаш имқониятларини излаб топилари кераклигини айтиб ўтиди.

Йиғилишда газеталарни газетхонга етказишнинг Самарқанд тажрибасини омалаштириш, китоб савдоси ҳамда обунага боғлиқ масалалар ҳақида ҳам фикр-мулохазалар билдирилди. Қўмита раиси Уткир Хожимов аввалбошда айтганидек, йиғилиш қутланишида, ошқора, самимий ва қизгин руҳда ўтди. Йиғилиш сўнгида қонун ижросининг самаралорининг оширишга доир қарор қабул қилинди.

Исмаи ХУДОБЕРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ТАДБИРКОР ВА ҚОНУНЧИЛИК

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунчиликни тақомиллаштириш муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва манфаатдор ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Анжуманда ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида, аввало, муайян мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш ва барча ижтимоий муносабатларни қонун билан тартибга солиш масалалари устувор аҳамият касб этиши таъкидланди. Хусусан, кейинги йилларда мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг қонунчилик асоси барпо этилиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилганлиги диққатга сазовордир.

Айни чоғда, соҳадаги ислохотларнинг мароми бу борадаги ишларни янада қучайтириши тақозо этмоқда. Шу боис бу

Норул АбДУРАИМОВА, Ў.А. муҳбири.

● CNN телекомпанияси тарқатган хабарларга қараганда, шу кўнчада АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий-димо қучлари халққаро террорчи Усама бин Ладиннинг Афғонистон ҳудудидоги барча лагерлари ва топибларнинг мавжуд аэродромларини бутунлай йўқ қилишган. Маълум бўлишича, 17 кўнлик аксилтеррор амалиятлари натижасида Афғонистондаги террор ўққолорига қарата 3 мингта бомба ва ракета ташланган.

● Associated Press агентлигининг хабар беришича, икки қонларда Афғонистоннинг соьик қирол Муҳаммад Зоҳир шох билан Шимолий альянс еттакчилари ўртасида ўзаро учрашув бўлиб ўтди. Маълум

бўлишича, мазкур мулоқотларда Афғонистоннинг кейинги тақдир, янги тузилмаж ҳукумат аъзолари билан боғлиқ масалалар муҳокима қилинди.

● Кеча АҚШ адлия вазири Жон Эшкрофт 11 сентябрда Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳорларига уюштирилган теракт ижрочиларнинг бир гуруҳи Гамбургда шағалангани маълум қилди. Вазирининг айтишича, Нью-

Йоркдаги Жаҳон савдо маркази биносига урилган биринчи самолёт бортида бўлган террорчилар — Муҳаммад Отта, Марван Аль-Шехви ва Зейд Жаррар 90-йиллар бошида Гамбургда таҳсил олган.

● Оқ уй биносига келаетган хабар ичида куйдирги касаллигини қўзғатувчи бактериялар қучуни борлиги аниқланди. Ушбу муносабат билан журналистларга интервью берган мамлакат президенти Жорж Буш ушбу касалликка қалинмаганлиги ва умуман бундай бактериялар Оқ уй биноси бўйлаб тарқалиш хаффи йўлгини маълум қилди. Жорж Бушнинг таъкидлашича, Оқ уйга тегишли почта бўлими мамурияти биносидан анча узокда жойлашган. Маълумки, шу воқеа-

ча 3 нафар америкалик ушбу биологик террор қурбони бўлган. Кеча АҚШ вице-президенти Ричард Чейни биологик террор америкаликлар учун ҳарбий террордан-да хатарли эканини айтди.

● Кеча Филиппин ҳукумати Музылларни ўз ҳудудларидоги Басилан ва Холо ороларига америкалик ҳарбий мутахассислар келиш режаси борлигини аён қилишди. Маълум бўлишича, айни шу ороларда қалқара террорчилар раҳимоси Усама бин Ладин билан боғлиқ бўлган «Абу Сай яф» террор гуруҳи жойлашган. Филиппин намоёндаларининг таъкидлашича, америкалик мутахассислар бу ерда ўтқозилмаж аксилтеррор

амалиётларига етакчилик қилишди.

● 1994 йилда халққаро террорчилар Париждаги Эйфел минорасини худди Нью-Йорк шаҳридаги Жаҳон савдо марказига уюштирилган теракт сингари портлаштиш режасида бўлишган. Кеча Италияда чиқадиган «Кив» журнаliga интервью берган Буюк Британия маъриф хизматининг соьик қадими Ричард Томлинсон айни маълумотни ошқор қилди. Томлинсоннинг айтишича, ушунда францўз махус хизмат мулозимлари томонидан ушбу терактнинг олди олинган. Ва, айни воқеа тафсилотлари Британия мулозимларига етказилган экан.

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

Меҳр-мурувватдан яшнайди инсон

Қариялар гурунги авжга чиққан пайтда даврага Абдуваҳоб ота келиб қўшилдилар. Ҳол-аҳвол сўрашгач, сўхбат давом этди.

— Менимча, — деб гапни давом эттирди Раҳмонани ота, — гар саломатликни берса, мударра кам-кам эрур, деганлари ҳақ гап. Ҳаммамизнинг ҳам турмушдан нолийдиган жойимиз йўқ. Шундай кунларга ўтказганига беаҳд шукр. Аммо, то ётиб қолгунча инқилаб юрмасдан, вақти-вақтида даволаниб туриш лозим.

— Тўғри, жуда тўғри, — дейишди даврадагилар.

Савоб ишни ҳар ким қилиши керак

Раҳмонани отанинг гапи кўп қатори Абдуваҳоб Жалиловни ҳам ўйлантириб қўйди. Бу киши «Нуроний» жамғармасининг Боғлод тумани бўлими раиси, қариялар ҳолидан ҳамisha хабардор бўлиб туриш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан мадад беришни бевосита хизмат вазифаси, бурчи деб қарайди.

Абдуваҳоб ота шу кунги туман марказий шифохонасини айланиб кўрди. Шунда бир хонани фахрийларга ажратсак, унда телевизор бўлса, телефон ўрнатиб берсак, яхшилаб жиҳозласак, кўнгилашмас даволаш учун кам-қустига ёрдам берсак — дилига келган бу фикрдан ўзи ҳам хурсанд бўлиб кетди. Бош шифокор ҳузурга кириб, ниятини айтди. Таклиф у кишига жуда маъқул тушди.

— Уша хона эшитига «Нуроний» жамғармасининг туман бўлими шифохонаси» деб ёзиб қўямиз, энг яхши мутахассисларимизни шуларга ажратамиз, — деди у.

— Қариялар ганимат, қоларсак, ҳаммамиз ҳам бир-биримизга ганиматмиз, инсондан қолдиргани яхшилик, эзгу ишлар.

Худлас, шифохона билан жамғарма бўлими раҳбарлари катта ихлос билан энг шайариб ишга киришиб кетдилар. Хона дид билан жиҳозланди.

Фикр туғилди унинг кўнглида. Кўп ўтмай вилоятдаги барча туман бўлимларининг раислари таклиф этилиб, Боғлодда худудий семинар-кенгаш ўтказилди, жойининг ўзида иш қандай ташкил этилганлиги кўрсатилди.


Шу-шу бўлди-ю Усмонали Бегматов қайси туманга борса, маҳаллий раҳбарлар билан учрашиб, дилида пайдо бўлган ниятини айтдиган бўлиб қолди.

— Буни қаранг, — дейди у, — савобтаблар биз ўйлагандан ҳам кўпроқ экан. Ёзвондаги марказий шифохонада жамғарма ихтиёрига бир эмас, икки хона ажратиши — бири отахонлар учун, иккинчиси эса онахонларга. Бувайдала ҳам шундай қилишди. Учқўприкликлар ҳамматни янада баланд олдилар — улар уруш ва меҳнат фахрийлари учун уч хона ажратти.

Яқинда Қўқон шаҳрида бўлдим. У ерда ҳам фахрийлар учун алоҳида жойлар тайёрлашпти. Бу хоналар, дейишди маҳаллий раҳбарлар, ҳамма хавас қилгани даражада бўлади, хоналарига барча-барча нарсалар энг нозик дидли кишининг ҳам талабига мос келадиган бўлади.

— Ҳиммати баланд кишилар омон бўлсин, — дейди мамнун ҳолда Усмонали ака, — шулар бор экан, эзгулик деб аталмиш ноёб ҳислат туи қўйиб, палла отаверали.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ, «Нуроний» жамғармасининг бош мутахассиси.



ТС-ТЕХНОЛОГИЯ

КОМПЬЮТЕРЛАР ВА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Тошкент шаҳри,
Ҳамид Олимжон майдони,
"Пойтахт" Бизнес мажмуи,
Ғарбий томон, 2-ўйлак,
Офис 29.30
Тел: 137-72-91, факс: 137-72-92.
Самарқанд шаҳри,
Амир Темур кўчаси, 222,
Тел: (3662) 22-09-54, 22-24-75.
E-mail: tstech@tstech.uz



Оқилона баҳодаги катта имкониятлар



Ташаббус сўнмасин

ҲАР ОИЛАНING ЎЗ ТАДБИРКОРИ БОР

Хатирчи туманидаги Оқунбобоев номидаги қишлоқ фуқаролар йиғини худудда тадбиркорлар сони қисқа фурсатда кескин ошди. Бунга туртки бўлган асосий омил омиш? Маҳалла фаоллари, кўпни кўрган инсонлар 3550 хонадоннинг турмуш тарзини ўрганиб чиқишди. Онда аъзоларининг қизиқишлари, имкониятлари таҳлил қилиниб, Маъжид шарт-шароитлардан келиб чиқиб, ҳар бир оилани тадбиркорликнинг бирор тури билан шуғулланиш тавсия этилди. Бундан ташқари, яқна тартибда фаолият юритиш ва соф даромадини кўпайтириш йўллари ҳақида йиғиллар, сўхбатлар, урчушулар ўтказилди. Турли касблар бўйича кўргазмалар ташкил этилди. Айниқса, томоққа имкониятларига алоҳида эътибор қаратилди.

Булар ўз навбатида қишлоқ аҳолиси ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Ҳаммасидан ҳам кўп болали аёлларнинг мамун бўлишганини айтмайсизми!

Шу тариқа яқна тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар сони 160 нафарга кўпайди. Тегиримонлар 41 тага, жувозлар 16 тага етди. 40 нафар шахсий томоққа эгалари плёнка остида эртанги сазавот етиштиришга киришдилар. Самарамми? Қишлоқдаги 1500 дан зиёд киши ердан 2-3 мартаба ҳосил олишга эришдилар.

Фақат шунгина эмас. Аҳоли гавжум жойларда новвойхона, сартарошхона, маланинчилик хизмат нуқталари орди. Фермер-

лар, деҳқон хўжаликлари сафи янада кенгайди. Натижанда юздан ортиқ киши учун янги иш ўринлари яратилди.

Эндилкида уй бекаларининг ибрати кўпчилики оҳанраболек ўзинга жалб этмоқда. Хусусан, фермер Шарофат Мирзаева, тижоратчи Мелихон Сувонова, тадбиркор Муҳайе Зисвуддинова, тикучи-зардуз Қундуз Худобоева, зардуз-расом Насиба Тоҳирова, иссиқхона хўжалиги раҳбари Амина Қолирова, қандолатчи Фотима Сайфутдинова, тикучилар Х.Мустафоёва, Н.Жабборова, Н.Жураеваларнинг оила даромадлари охибгина қолмай, давлатга ҳам бирмунча оғиб келтиришлари мулкдорлар, сафи кенгайиши, ҳар бир оилани тадбиркорлик ҳаракатининг шаклланишига ёрдам бермоқда.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

ПИЛЛАЧИЛИК: ИСЛОҲОТ ВА ИСТИҚБОЛ

Мамлакатимизда пиллачилик ва ипакчилик ҳоҳсида набатдаги мавсум якулланди. Шу муносабат билан бу борада эришилган ютуқларни сарҳисоб этиш ва соҳада ислохотларни янада ривожлантириш, хусусан, ипакчилик саноатини тубдан юксалтириш билан боғлиқ истиқболли чора-тадбирлар белгиланмоқда.

— «Ўзбек ипаги» уюшмасининг «Пилла ҳолдинг» компанияси таркибиде унта пиллакашлик корхонаси фаолият кўрсатмоқда, — деди маъмур компания раисининг уринбосари Абдулхамид Нишонов. — Уларда ўтган ойда тайёрланган маҳсулот ҳажми 158 тоннани ташкил этди. Жорий мавсумда эса 20 минг 438 тонна пилла ҳосили етиштирилиб, шундан 6 минг 731,6 тонна курук пилла олинди. Унинг салкам 6 минг тоннаси саноат корхоналари, хусусан, пиллакашлик фабрикаларида қайта ишланиб, 1 минг 800 тонна табиий ипак олинди.

Пилла ҳосилнинг олтимси фоизи Марғилондаги «Турон шойиси», Намангандаги «Атлас», Фарғонадаги «Буюк ипак йўли», Андижондаги «Буюкбоши ипаги» комбинатларида қайта ишланди. Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Тошкент вилоятларида етиштирилган пилланинг аксарият қисми мана шу корхоналарга етказиб берилди. Утган йили бу корхоналарда 1 минг 56 тонна ипак чиқарилган бўлса, жорий йилда маъмур кўрсаткичи 1 минг 300 тоннагача етиши мўлжалланмоқда. Уларда ишлаб чиқарилган маҳсулот ипак толи ёки тайёр мато ҳолида хорижга сотилди.

А.Нишоновнинг таъкидлашича, айна пайтда 772 тонна энг пилла нави пилла ҳамда ипак чиқиндиларида Намангандаги «Силк-Роуд» Ўзбекистон-Япония кўша корхонасида 140 тонна казан ипак ҳам ишлаб чиқарилди.

Шунингдек, яқинда унта пиллакашлик корхонасида Жанубий Кореянинг «Ай-Ди-Эм» фирмаси сармояси иштирокида 15 миллион АҚШ доллари миқдориде қайта жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди. Бу корхоналарга энг замонавий ипак йиғирув дастхоналаридан 186 тасини ўрнатиш режалаштирилган.

Хулоса содиқова, ЎзД мухбири.

Банк тизими

«Пахта Банк» Истиқболнинг дастлабки йилларида ташкил топан қадирдор банклардан ҳисобланади. Шундай эса-да, ўтган давр мобайнида ўз фаолиятини тубдан универсаллаштириш, истиқболли стратегия йўналишларга эга бўлиш, ташкилий тизимининг тақомиллаштириш, уни халқаро андозларга мувофиқлаштириш борасида бетаним изланишлар олиб борди. Пировадда сармояси кескин кўпайди. Молиявий аҳоли ва кредитлар портфелининг сифати яхшиланди. Аҳолининг бунд пул маблағларини кенг қўламда жалб этиш эҳсолида ўрта ва кичик бизнес субъектлари ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ўз кредит қўйилмаларини киритиш кенгайди. Хусусий ресурслар базаси мустақилланди. Корпоратив акциялар воситида ўтказиладиган тадбирлар салмоғи ошди. Операционлар ва хизматларнинг янги турларини ҳаётига татбиқ этишда, банк фаолиятининг барча жаҳдларини маркетинг нуқтаи назаридан юритишда ҳам муайян муваффақиятлар қўлга киритилди.

ҲАМКОРЛИК ШАРОФАТИ

Бинобарин, эндиликда мамлакатимизнинг энг чека худудларини-да ижобий маънода «забт» этган «Пахта Банк» нудуфи, бирлиги, кўптармоқчилиги, камровининг кенглиги, ўзига хос бой таъриби ва аънаваларга эгаллиги жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Унинг таркибиде 13 та вилоят бошқармаси, 184 та бўлим, 91 тадан зиёд мини-банк мавжуд бўлиб, олти ярим мингдан зиёд малакали ходим меҳнат қилади. Мулкчилик шаклининг жаммики кўринишидаги 210 мингга яқин микрога юқори савида, замонавий талаблар асосида хизмат кўрсатмоқда. Акциядорлари сони эса 61 мингдан ошадди. Шуларнинг самараси ўларок, «Пахта Банк» 1997 йили S.W.I.F.T жаҳон банклари молиявий телекоммуникациялар ҳамжамиятига қабул қилинди. Осиё-Тинч океани қишлоқ хўжалигини кредитлаш уюшмаси ва Қишлоқ хўжалиги кредити халқаро конфедерациясининг тенг ҳуқуқли аъзолари сафидан муносиб ўрин олди. Утган йили эса Томсон Файеншиал Банк-Вотч халқаро рейтинг компаниясининг юқоқ баҳоига сазовор бўлди. Ватанимизнинг энг йирик банклари орасида «Фойдаллик» кўрсаткичи бўйича биринчи, «Молиявий фаолияти қўламини», «Сармоясининг етарлиги», «Лиқвидлиги» жиҳатидан иккинчи поғонага кўтарилди.

Ҳеч кимга сир эмас, Ўзбекистон аграр республикалар сирасига қиради. Юртимида ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулот-

чи йирик муассаса мақомига эришди. 2001 йилининг 1 сентябрга қадар ҳам уларга молиявий ёрдам кўрсатиш, банкнинг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, узаро ҳамкорлик ва шерикчиликни мустақамлаш юзасидан аниқ мақсадларга йўналтирилган ишлар амалга оширилди. Жумладан, банкнинг ўз маблағлари захирасидан 7,5 миллиард 57 миллион сўм кредит ажратилди. Бу кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши тасдиқланган истиқбол режасида белги-

оғишмай бажаришга киришди. Тизимда «Ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик ва ўрта корхоналарини, деҳқон ва фермер хўжалиқларини, юқори технология ва инновация лойиҳаларини имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси» тузилди. 2001 йилининг 1 сентябрга қадар маъмур жамғарма миқдори 2 миллиард 198 миллион 498 минг сўмини ташкил этди. Унинг тўқсон фоизидан кўпроги имтиёзли ставкалар асосида кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилди.

Банк фақат шу билангина кичик ва ўрта бизнес субъектларини рағбатлантиришга чарқолмади, давлат инвестицион дастурларини рўйбга солиётгани яхшилаш йўлида истифода қилинади.

Осиё Тараққиёт банкнинг «Пахта Банк» тизимини ривожлантиришга ажратган гранти, шунингдек, банк орқали кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиялаш мақсадида яна 15 миллион АҚШ доллари миқдоридеги кредит йўналишини очиш кўзда тутилганни ҳам унинг чет эллик ҳамкорлар билан алоқалари барқарорлашиб бораётганини тасдиқлайди.

Яна бир муҳим гап. «Пахта Банк» бугунги кунда «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси корхона ва ташкилотларини кредитлашнинг ўзининг энг долзарб вазифаларидан, деб билмоқда. Зеро, жорий йилининг ўтган тўқзи ойига доир киёсий таҳлиллардан маълум бўлишича, компания корхона-ташқиотлариде товар айланиси кўрсаткичи 101,5 миллиард, улгурчи ва чакана савдо муассасалариде эса 88,2 миллион сўмга етган. Бу ўтган йилининг шу давридаги солиштиришда, 32,9 миллион сўм ортиқдир. Шундан «Пахта Банк» тизимидеги чакана савдо корхоналарининг товар айланиси, 8,4 миллиард сўмга ошиб, салкам 28,4 миллиард сўмини ташкил этди.

Савдо ташқиотларига тўқзи ой ичиде ажратилган 10,6 миллиард сўмлик кредитнинг асосий қисми ҳамюртларимизнинг кундалик эҳтиёжи учун ўта зарур 13 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш ҳамда дори-дармонлар, халқ истеъмол моллари харид қилиш учун берилди. Жорий йилда 384 та савдо корхонасига банк «муолажаси» олиб борилди. Кисқа вақт мобайнида ушбу тармоқдаги миқозлар сони 919 тага кўпайди. Ютуқларнинг асосий омили Қашқадарь ва Бухоро вилоятлари савдо тармоқларида амалга оширилган ислохотлар бўлди. Бу жараёнда хусусий тадбиркорларга катта қулайликлар яратилди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунга келиб «Пахта Банк» ўз миқозларининг ҳақиқий ва долмиий ҳамкорига айланди. Уларга кен қўламда замонавий ва мақбул хизмат кўрсатилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро молиявий муносабатларини яхшилаш, банк консалтинги бўйича кўмаклашиш, компьютерлаштирилган «Банк-Мижоз» дастурини ўрнатиш сингари ишларни мунтазам равишда давом эттирилмоқда.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Наманганда Каунтерпарт Консерциум нодавлат ва ноижорат халқаро ташқиотининг фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш маркази фаолият кўрсата бошлади. Марказ қўл вақт бўлиши, йўқ. У икки йўналиш — «Маҳаллада ташаббусни қўллаб-қувватлаш», «Жамғарма ва қўллаб-қувватлаш» бўйича иш олиб бормоқда. Ана шу дастурлар асосида кичик грантларга сазовор бўлиш учун етакчи мутахассислар кўмағидеги ҳаракат авжиде.

Янги марказ очилиши билан жойларда турнилатган ажойиб ташаббус ва роиялар ўз ҳамкорини топадиган бўлди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

«БОФАНДА» ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙДИ

«Бобанда» оқиқ акциядорлик жамиятида болар ички кийимининг янги туркуми ишлаб чиқарила бошланди.

— Корхонамида жорий йилининг ўтган даври мобайнида 2 миллион 10 минг донга трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, — деди жамият раиси Раҳимберди Юсупов. — Маҳсулотимизга нафақат республикамизда, балки Россияда ҳам талаб кучли. Ҳозирде корхонамида ишлаётган 500 нафар ишчи-ходимнинг ҳар бири ўртача 15-20 минг сўм атрофида моош оляпти.

Р.Юсуповнинг таъкидлашича, Италиянинг «Волтрейдинг интернейшнл» корхонаси билан ҳамкорликда қўша корхона тузиш режалаштириляпти. Ҳозир дастлабки лойиҳа устиде иш олиб бориламоқда.

«Туркистон-пресс».

ЯНГИ МАКТАБ

Хонка туманида Дурдония Раҳимова номида ўрта умунтаълим мактабининг янги ўқув биноси фойдаланишига таъинрилди. Вилоятнинг аҳолиси энг жойлашган Қарқаб йиқилиши аҳолиси ўқув биноси вақога ойланди.

Мактабининг эски биноси 40 йил илгари қурилган бўлиб, талабаларга жавоб бермай қолган эди. Кейинги йилларда 500 нафар ўқувчига мўлжалланган ушбу мактабда ушбу синабда қарийб 1100 нафар бола таълим олар эди. Энди эса талабна оидасизори талабаларига мувофиқ жиҳозланган янги ўқув биносида бир вақтинчи билан 624 нафар ўқувчи билан олиши мумкин. Замонавий компьютерлар билан жиҳозланган информатика синфи мактабининг фахри ҳисобланади.

Янги биноси берпо этишда 135 миллион сўмлик қурилуш-монтаж ишлари амалга оширилди. Асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун яна 45 миллион сўмга экин маблағ сарфланди. Қалғуи ўқув йили бошлангунга қадар бу ерда янги ошма ва спорт зални қуриб битказилди.

Т.ШАМАКОВ, ЎзД мухбири.

«Кутлуғ кунлар тушди, менинг бошимга...»

Абдулхамид Чулпон таваллудининг 100 йиллиги нишонланаётган кунлар эди. Андижон аҳли учун гўё Чулпон қайта тугилгандай...

Хеч қандай чолгу асоссиз қуйланса-да, қўшиқни тинглаб йиғламаган кишининг ўзи қолмади. Мамлакатимиз ва қўшни юртрлардан келган олим-фозиллар, шоир-фозиллар...

Шу-шу Чулпоннинг жиянлари билан тез-тез учрашиб турадиган бўлибди. Фойқа опадан саккиз нафар фарзанд қолган бўлиб, улар шоир Чулпон оиласидан қолган ягона алоқдор...

1999 йили Чулпоннинг «Мустақиллик» ордени билан тақдирлангани унинг хизматларига берилган юксак баҳо эди.

Мустақиллик мевасидан Чулпон авлодлари ҳам баҳраманд бўлилар. Шарифа опанинг чет элга жўнатиладиган «Ушш» чилар орасида ўзи Анваржоннинг борлиги, кичик ўғли Омонуллонинг «АКСЕЛ» тазови совиқдорлиги сифатида АКШда тилим олиб қайтиши ҳам истисно қилинган бўлади.

Қўлимда Анваржон Хўжаевнинг Жоржия штатидаги Эмори университетининг халқаро иқтисодий алоқалар факультетини тугатганига ҳақидаги олий даражали дипломи. Энг муҳими, Анваржон бу ерда оидийгина талаба бўлмади.

Халқаро иқтисодчилар жамаиятининг университетдаги вице-президенти бўлди. Талабалар ичидан энг юқори реитингга эга бўлиб, университет ўқитувчилари қаторида компьютер техникасидан дарс машғулотлари олиб боради. Талабалар фестиваллари, менежерлар танловларининг бир неча бор галиби бўлди. Шу боис Мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида у Калифорния университетининг докторантураси грантини олишти мушарраф бўлди.

Қаранг йиллар ўтса-да, буюклиги зарарча дарз кетмаган аждоқларини ҳамон дунёни ҳайратга солмоқда. Анваржон билан Омонулло ҳам Чулпон оруз қилган Озодликнинг озодалди эмасми?!

Улар билан сўхбатлашсангиз, фикрингиз тинчқашиб бораверади.

«Мен Ватаним қандай севиб кераклигини Чулпоннинг шеърларини ўқиб чуқурроқ ҳис этаман:

Уқсу қўнча куши тушди қабасга, Сира етмайди Эркин набағга.

Қора кунлар тушди менинг бошимга, Сижик қабасларда Ярай олмайдиган Жаннат боғлар бор-ку, Сайраб олмайдиган Отлар кунлар тушди, менинг бошимга».

Мен эса бугун бу сатрларни «Кутлуғ кунлар тушди, менинг бошимга, Улуғ кунлар тушди, менинг бошимга» деб айтгим келарди.

Омонуллонинг сўзларига қўшимча қилишга эҳтиж қолмагани. Зеро, шундай улуғ Ватан бағрида хуриятнинг ҳур шамолида эркин нафас олаётган ёшлар Омонуллога жўр бўлиши шубҳасиз.

... Кутлуғ кунлар тушди, менинг бошимга.

Муҳаббат ОТАМИРЗАЕВА, Андижон.

Авторақли

«СЎҒДИЁНА-ХАМДЎСТЛИК КУБОГИ — 2001»

Шу йилнинг 27 октябрда пойтахтимизнинг Амир Темур ҳўбонидан «Сўғдиёна-Хамдўстлик» кубоги — 2001 халқаро авторалли мусобақаси старт олади.

«Тошшаҳарйўловчтранс» давлат уюшмаси томонидан ташкил этилаётган ушбу спорт мусобақасида Хамдўстлик мамлакатлари ва республикамизнинг кўзга кўринган авторалли ишқибозларининг иштироки кўтирилмоқда.


«Гарчанд бу соҳа юртимизда у қадар оммалашган бўлмаса-да, лекин ралли ишқибозлари талайгина...» дейди мусобақа ташкилотчиларидан бири, «Тошшаҳарйўловчтранс» давлат уюшмаси «Спорт» клуби раҳбари А. Кравченко.

Айтиш мумкинки, ушбу мусобақага Санкт-петербурглик халқаро тоифадаги ҳакам В. Музинук ҳакамлик қилади. Айни пайтда мусобақа иштирокчиларининг келиши давом этмоқда.

Абдулҳал ЮНУСОВ.

«MALVIL» МЧЖ сноват электр жиҳозларини жаҳондаги машҳур корхоналардан бевосита етказиб беради. АККУМУЛЯТОРЛАРНИ КУЧЛАНТИРУВЧИ ВА ДВИГАТЕЛЛАРНИ ЮРГИЗУВЧИ КУРИЛМАЛАР (12,24V) ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ: ИТАЛИЯ (TELWIN) ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЛАШ ЖИҲОЗЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР: ИТАЛИЯ (TELWIN), УКРАИНА (SELMA). КАФОЛАТ. ЭХТИЁТ ҚИСМЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ. ТЕХНИК ХИЗМАТ. Тошкент ш., 700000, В. Малиёсов кўчаси, 3, 113-115 хоналар. Тел.: (998-71) 120-68-36, 110-20-36, (998-712) 41-31-24. E-mail: malvil @ operamail.com.

Термизнинг 2500 йиллиги олдида



Шарқнинг кўна шаҳарларидан бири — Термизнинг 2500 йиллик юбилеи муносабати билан қомусий олим, буюк аллома Ал Ҳақим ат-Термизий мақбара мажмуаси ёнида «Мерос» музейи биноси қуриб битказилди. Музей уч зайдан иборат бўлиб, улар «Термизий алломалар», «Қадимги ёзувлар», «Халқ озаки ижоди ва амалий санъати» деб аталади.

Юбилей муносабати билан барпо этилаётган ушбу музей миннатдор авлодларнинг улуғ аждоқлар хотирасига эҳтиромни рамзидир.

СУРАТЛАРДА: музейнинг умумий кўрinishи; Ал Ҳақим ат-Термизий мақбара мажмуаси ишчиси Олим Мавлоннинг.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

2001 йил — Оналар ва болалар йили

ЎХШАШИ ЙЎҚ ШИФО МАСКАНИ

Урганч шаҳридаги вилоят болалар шифохонаси бугун ўзгача чиroy ва кўрк касб этди. У аввалгисига сира ўхшамайди. Қўрган кўзни қувонтиради. Муҳими шу замонавий ва муқаммал маскан отаналарда ўз ўғил-қизлари талаба даражасида даволанишларига, соғлиқларини мустақамлашларига катта ишонч туғдира олади.

Тўғри, эски шифохона биносидан ҳам воз кечилгани йўқ. Унинг фойдаланиш мумкин бўлган жойлари қайта таъмирланди. Катта ҳажмда қўшимча қурилышлар ҳам қилинди. Янги мейморий қиёфа, мрамор устунлар, зинапоялар, бежирим безаклар бутун бир яхлит мажмуани ташкил этди.

Энди фақат шифокорларнинг эмас, балки шифохонамиз биносининг ўзи ҳам ҳаммаани табассум билан қутиб олади. — дейди бош врачнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Ойибий Маткаримова. — Шифохонамиз эртақлагилдай чиройли, сеҳрли...

Сунги гап муболага эмас. Чунки, худди шундай шифохонами ҳамма кўп йиллардан буён фақат оруз қиляпти. Бугун эса шу оруз ушлади.

Бу ерда қиймати 200 миллион сўмлик энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, электрон ҳисоблаш машиналари, компьютерлар, лазер асбоблари ўрнатилган. Улар тажрибали шифокорлар қўлида чинакам мўъжизалар яратлади.

— Мава қаранг, ойналаримиз махсус тайёрланган — товуш ўтмайдиған «Совгласпастик» махсулотиди. — дейди фахр билан О. Маткаримова. Умуман олганда, болалар шифохонасидаги бунёдкорлик ишларига 500 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Шунинг аксарият қисми ҳўмийларнинг беғариз ёрдами. Вилоят, шаҳардаги қўллаб ташкилотлар, олийҳиммат фуқаролар янги шифохона бунёд этиш талбирларида фаол қатнашдилар.

Сотим АВАЗ, «Халқ сўзи» мухбири.

НАВБАТ — ТИББИЙ АШЁГА

Наманган вилояти саноат ишлаб чиқаришида янги — бир марталик тиббиёт шприцлари тайёрлаш тармоғи пайдо бўлди. Бу имконият Давлатобод туманидаги «Шифо» хиссадорлик жамияти Россиянинг Воронеж шаҳридаги турдош корхона билан ҳамкорликда мураккаб технологияни ўлаштиришни ниҳоясига етказганидан сўнг юзла қолди. Маҳаллий ишчилар тайёрлаган дастлабки махсулот жаҳон андозалари талабларига тўлажаваб бера олади.

Тиббий ашёлар корхонаси ишга тушиши билан 180 киши доимий касб эгаси бўлди. Уларнинг аксарияти Воронежда хўнар ўргиниб қайтган. Йилга 120 миллион донга бир марталик шприц тайёрлаш қувватига эга корхона мамлакатимиз аҳолисининг ушбу махсулотга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга ҳисса қўшиши табиий.

Ўз мухбиримиз.

АЛЛОМАЛАР МУЗЕЙИ



Кўз юмди. Эмизикли оёқ сўтида ҳам томаки моддалари тўпланиб қолиши, болонинг жисмоний ва ақлий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши исботланган. Спиртли ичимликларнинг зарарини ҳамма яхши англайди. Ҳозирги пайтда ҳатто оёлар учун мўлжалланган бирор тантанали тадбир ҳам спиртли ичимликларсиз...

Соғлом авлод учун қўраш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган бизнинг замонда ноғиронлик уйларида эфит, жисмоний ҳаста болаларнинг қўлиб бораётганлиги очинио бўлади?

Бугун жаҳон ҳамжамиятини ларзага солаётган, XXI аср вабосига айланган яна бир муҳим иллат — гўёхондиқлик. Ачинарли томони шундаки, гўёхондиқликдан жабр чекаётганларнинг аксарияти болалар ва усмирлар. Ушбу «маккор» касаллиқка чалиниш кайчалоқ осон ва тез бўлса, ундан қўтилиш шунчалик мушкул. Мутахассисларнинг фикрига кўра, 60 фоиз гўёхондиқлик ҳавоий қизиқчи орқали ушбу дароға мубтало бўлишмоқда. Умумий шприц ва игнадан фойдаланиш тўғрисида ОИТС (СПИД) касаллигига чалинаётганларнинг мавжудлиги ҳам очик ҳақиқатдир.

Гўёхондиқлик йул қўймаслигининг энг асосий, энг моқубул йули — оинавий тарбияни қўчиришти, турли ҳастий муаммоларни ҳал этишда ёшларга яқиндан муқамлаш, улар ўртаёқ соғлом турмуш тарзини кенг тартиб қилишдан иборатдир. Зотан, эзу ниҳоятининг иқобат бўлиши ҳар жаҳадан етук, баркамол авлод қўлида эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Ўтқир спиртли ичимликларнинг инсон лўшугига таъсири оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ибн Сино асарларида баён қилинган. Бу эса улуғ аждоқларимиз ҳам соғлом авлод учун қойилганликларидан далолат беради.

Зўҳра БОТИРОВА, Ибн Сино Халқаро жамағараси бошқаруви раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори.

«МИЛЛИЙ ҒОЯ — БИЗНИНГ ҒОЯ»

Халқни буюк келажак ва улуғ мақсадлар сари бирлаштириш — миллий истиқлол мафқурасининг бош мақсадларидан бири. Бунга эришиш учун миллати, дини, тилидан қатъи назар, ҳар бир фуқарони Ўзбекистон тараққийоти учун масъулият сезиб яашага чорлаш зарур.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши, республика Байналминал маданият маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Давлат Фан ва техника қўмитаси билан ҳамкорликда «Миллий ғоя — бизнинг ғоя» мавзусида доимий ҳаракатдаги семинарни йўлга қўйди. Республиканинг барча минтакаларида илмий-амалий машғулотлар ўтказилди. Бу семинарларда давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, маънавият ва маърифат ходимлари, турли миллат ва динга мансуб ватандошларимиз чиқишлар қилди. Яқинда шу чиқишлар материал-

ларидан иборат тўплам «Миллий ғоя — бизнинг ғоя» деган ном билан китоб ҳолида чоп этилди.

Тўпламдаги материалларда миллий истиқлол ғояси ва мафқурасининг умумимиллий мазмун-моҳиятига бағишланган назарий, тарихий материаллар, турли миллат вакиллари бўлган ўртоқлашимизнинг мустақиллики мустаҳкамлаш, мамлакатимиздаги барқарорлик, тинчлик, ўзаро биродарлик муҳитини сақлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини, иқтисодий ҳамкорликни янада тақомиллаштиришдаги аҳамияти тўғрисидаги ҳаётий мисолларга боғ тахлил ва қарашлари акс этган.

Шўхрат НАСИМОВ.

Немис олими китобининг ўзбекча нашри

Республика Миллий матбуот марказида Немис олими Улирих Рудолфинг «Ал Мотуриди ва Самарқанд сўниийлик илоҳиёти» китоби ўзбекча нашрининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Бу нашр — Имом ал-Бухорий халқаро ҳамда Фариҳн Эберт жамағаралари таъсисчилари Равно Қўболова, Фанижон Маҳмудовлар томонидан рус ва олом тилларини таржима қилинган. Унинг ўзбекча нашрини тайёрлашда сиёсий фанлар доктори, профессор Зохидулло Мунавваров бошчилигидаги етук ислоншўно олимлардан иборат тахир хайъатининг фойлияти бекиёс.

Фарбада ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Китобнинг сўзбошисида таъкидланганича, Мотуриди мактабининг вужудга келиши ўз даврида минаҳаднинг мисоли қўрилган маданият ва илмий равнақига сабаб бўлган, дин асосларини мантиқан тушуништириш, танлоу ҳуқуқи, толаранглик, динлараро бағрикерлик, ижтимоий ҳамжиҳатликни қарор топтириш ғояларини ривожлантирган.

Тақдимот

Бу асар айни чоғда жаҳон халқларининг диққатини жалб қилиб турган турли ақидалараролик ғоялар билан ёшларнинг онгини захарлаб, уларни террорчилик ҳаракатларини амалга оширишга ундаётган ислом дини ниқобиди айриб таламислар тузюнга яллинг қолмасликка чорлайди. Унда ялмон, эҳтиқод, саноат ва гуноҳ каби тушунчалар аниқрашан талқин этилади.

Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар китоб ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдириди. «Халқ сўзи» мухбири.

«ХАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, С. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАҲОДИЙ, И. ХУДОЕВ, И. ШОҒУЛОМОН, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ХОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Истиқлолий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-57-34; 133-78-92; Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65; Мамлакат ва маърифат — 136-35-60; Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89; 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08; Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Ғ — 2915, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЕВ. Навбатчи — М. ХОЛМАТОВА. Мусоҳаҳ — О. АБДУЗАИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материал.

«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириди — 21.30. 1 2 3 4 5 6